ЎзССР Давлат китоб палатаси
70195
1995 й 14 январ № 11 (1013)

*Ўзбекистон - келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

14 январь, шанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 11 (1013)

## ЎЗБЕКИСТОН — ПОЛЬША: ҲАМКОРЛИК МАСОФА БИЛМАЙДИ



**СУРАТДА: икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими.** **А. ИЛЁСОВ олган сурат (ЎзА).**

Илгари хабар қилинганидек, 11-12 январь кунлари Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси расмий ташриф билан Польша Республикасида бўлди. Ташрифдан мақсад икки давлат ўртасида шаклланиб бораётган сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уни ривожлантириш, янги босқичга кўтариш эди.

Польша Республикаси Президенти саройида Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовни кутиб олиш маросими бўлди. Икки давлат байроқлари билан безатилган сарой майдонида юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Польша давлат мадҳиялари янгради. Президент Лех Валенса Ислом Каримовни Польша заминига ташриф буюргани билан қизғин кутлади.

Шундан сўнг Президентлар муҳташам саройнинг мовий залига йўл олдилар. Бу ерда Ислом Каримов билан Лех Валенса ўртасида якка-ма-якка суҳбат бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳозир қай даражада?

Маълумки, республикамиз иттифоқ таркибида бўлган даврда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш имкониятига эга эмас эди. Тўғрироғи, бизда етиштирилган пахта, пилла, қоракўл каби маҳсулотлар, ер ости бойликлари бошқа мамлакатларга, шу жумладан Польшага ҳам собиқ марказ номидан етказиб бериларди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўнлаб хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳозир республикада чет эл сармояси иштирокидаги 1500 та корхона фаолият кўрсатаётир. 1994 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо обороти 3 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бу ёш мустақил давлат учун катта кўрсаткич. Хорижий фирма ва компанияларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазият барқарор бўлган Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Шу маънода, Польша Республикаси билан ҳамкорлигимиз натижалари ҳозирча камтаронадир. Чунончи, ўтган йили икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми 80 миллион доллар бўлгани, атиги 8 та қўшма корхона барпо этилгани бу борада фойдаланилмаётган имкониятлар кўплигидан далолат беради. Ўзбекистон ва Польша давлат раҳбарлари бошчилигидаги расмий делегацияларнинг Варшавада ўтказилган музокараларида ана шу имкониятларни ишга солиш, мамлакатларимиз иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Музокаралар сўнгида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Президентлар — Ислом Каримов ва Лех Валенса Ўзбекистон ва Польша Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилувчи бир неча ҳужжат қабул қилинди. Улар орасида консуллик конвенцияси, фойдадан икки ёқлама солиқ олмаслик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, маданий ва илмий ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат пойтахтлари орасида самолётлар қатновини йўлга қўйиш тўғрисидаги битимлар бор.

— Бугунги музокараларда муҳокама этилган масалалар ва қабул қилинган ҳужжатлар икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилади, — деди Лех Валенса журналистлар билан учрашувда. — Биз уларнинг амалга оширилиши учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланамиз. Ҳақиқатан, ҳам, Ўзбекистон табиий заҳираларга бой, улкан иқтисодий имкониятлар мамлакатидир. Биз бу мамлакат билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз.

— Биз Польша тимсолида жиддий, қатъиятли ҳамкорни кўряпмиз, — деди Ислом Каримов — Ҳозиргина имзоланган ҳужжатлар муносабатларимизнинг ҳуқуқий асосини белгилаб беради, ўзаро ишончли ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлайди. Бугунги бизга бўлган самимий муносабатни, хайриҳоҳликни кўриб дўстлигимиз, ҳамкорлигимиз яхши самара беришига қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Учрашув ниҳоясида икки давлат раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Польша Иккинчи жаҳон урушида энг кўп жабр чеккан мамлакатлардан биридир. Европанинг энг гўзал шаҳарларидан бири — Варшава уруш туфайли вайронага айланди. Фашизмга қарши курашда минг-минглаб польшаликлар қурбон бўлди. Шунинг учун ҳам бу ерда тинчлик, осойишталикни биздагидек қадрлашади. Уруш сабоғини ҳар қадамда ҳис этишади.

Президент Ислом Каримов пойтахтдаги Номаълум аскар қабрини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди. Уруш қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов Польша парламентига ташриф буюрди. Мамлакат олий вакиллик органи фаолияти билан танишди. Польша парламенти икки палатали бўлиб, Сейм ва Сенатдан иборат. Сеймга — 460, Сенатга эса — 100 нафар депутат сайланади. Сейм маршали Ю. Олекси, Сенат маршали А. Струзик билан суҳбатлар чоғида давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда миллий давлатчиликни тиклаш, демократия тамойилларини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, яқинда парламентга илк бор кўппартиялик асосида ўтган сайлов ва унинг натижалари хусусида гапириб берди. Учрашувларда парламентлараро алоқаларни йўлга қўйиш зарурлиги, бу халқларимизни бири-бирига яқинлаштиришда, ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ислом Каримов ўзига ажратилган қароргоҳда Польша Бош вазири Валадемар Павляк билан учрашди. Суҳбат чоғида савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Шундан сўнг меҳмонлар Варшаванинг диққатга сазовор масканларидан бири — тарихий ёдгорликлар мажмуи жойлашган Барбакан майдонини кўздан кечирдилар. Ислом Каримов XV—XVIII асрлар мобайнида бунёд этилган қирол қалъасининг осори атиқалари билан танишди. Ўзбекистон раҳбари қалъа фахрий меҳмонлари китобига имзо чекди. Шуниси диққатга сазоворки, Иккинчи жаҳон урушида вайрон этилган мазкур салобатли тарихий ёдгорлик урушдан сўнг асосан жамоатчиликнинг ташаббуси, ёрдами ва меҳнати билан асл ҳолига келтирилган. Бу ҳам поляк халқининг ўз тарихига, миллий қадриятларига нечоғли ҳурмат билан муносабатда бўлишини намоён этади.

Ташриф мобайнидаги деярли барча учрашувларда асосий мавзу —ислоҳотларнинг моҳияти, уни амалга ошириш йўллари хусусида бўлгани аҳамиятлидир.

Польшада иқтисодий ислоҳот — бозор муносабатларига ўтиш биздан бирмунча илгари бошланган бўлиб, «фалаж қилиб даволаш» назарияси ҳам шу ерда амалга оширилган. Ҳозирга келиб мамлакат иқтисодиёти бир қадар барқарорлашди. Ишлаб чиқариш ҳажми пасайиши тўхтатилди. Кейинги 1-2 йил мобайнида Польша иқтисодиётида барқарор ўсиш кузатилмоқда. Лекин ислоҳотларни амалга оширишда кескин чоралар кўрилиши турмуш даражасининг пасайиб кетишига сабаб бўлдики, бу ҳукуматнинг ислоҳотлар сиёсатига бир қанча «тузатишлар» киритишга мажбур этди. Бу ҳол мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишига эътибор берилаётгани катта аҳамиятга эга эканини тасдиқлайди.

Айни пайтда Польшада хусусий фирма ва корхоналар ўзини анча тутиб олган, улар ялпи миллий маҳсулотнинг ярмидан кўпини ишлаб чиқармоқда. Бу ўринда Польша илгаридан мустақил давлат бўлганини, «режали иқтисодиёт» бу ерда биздагидек чуқур илдиз отмаганини, хусусий мулк социализм даврида ҳам сақланиб қолганини эътибордан соқит қилмаслик керак.

Ҳозирга келиб ана шу хусусий корхоналар, фирмалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ўзига шерик изламоқда. Варшавада ташкил этилган «Шарқ клуби» ана шундай ишбилармонларни бирлаштирган. Клуб асосий эътиборни ҳамдўстлик мамлакатлари билан фойдали ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга қаратмоқда.

Президент Ислом Каримов «Будимекс» компанияси қароргоҳида ана шу клуб аъзолари — Польша ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари уларга Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган муҳим ўрни, давлат тизими, иқтисодий салохияти тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Бизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти, ўзига хос жиҳатлари, хусусан, уларни амалга оширишдаги дастурамал — машҳур беш тамойил ҳақида теран тушунча берди.

— Ўзбекистон, аввало, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан барқарор мамлакат, — деди жумладан Ислом Каримов. — Бундан ташқари бизда бозор муносабатларига ўтиш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг барча ҳуқуқий асослари яратилган, уни рағбатлантириш кўзда тутилган. Хусусан, чет эл сармояси иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналардан беш йил мобайнида солиқ олинмайди. Хомашёни қайта ишлаш, хусусан, енгил саноат, тўқимачилик, машинасозлик, тоғ-кон саноати, транспорт, алоқа тармоқлари соҳаларида сизлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларига эгамиз.

Шуни таъкидлаш керакки, учрашув польшалик тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотди. Улар республикамиз раҳбарининг тўғри, очиқчасига айтган гапларини ғоят самимий қабул қилдилар. Ҳамкорлик тўғрисидаги 20 дан ортиқ таклифларни жамлаб, Ислом Каримовга тақдим этдилар.

Хуллас, Президент Ислом Каримовнинг Польша Республикасига расмий ташрифи самарали бўлди. Польшаликлар Ўзбекистон аталмиш ҳуқуқий демократик жамият қураётган, имкониятларга бой, холис ниятли мустақил давлатни қайтадан кашф этдилар.

Польша Республикаси раҳбари Лех Валенса Президент саройи майдонида Президент Ислом Каримовни расмий кузатиш маросими уюштирди.

Польша Республикасига расмий сафарида Президент Ислом Каримовга Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, С. Саидқосимов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

***

12 январь куни Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Республика Президентини Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

**Аҳмад ХЎЖА.**
**(ЎзА).**
**Тошкент-Варшава-Тошкент.**

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ БАЙРАМИ

Пойтахтнинг ҳашаматли «Туркистон» саройи 13 январь куни ҳар кунгидан гавжум бўлди. Халқимизнинг қутлуғ байрамларидан бири — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилиш муносабати билан саройга республика Қуролли Кучлари офицерлари, аскар ва курсантлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари, хорижлик меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — мамлакат Қуролли Кучлари бош қўмондони Ислом Каримов ва ҳукумат раҳбарлари, Қуролли Кучлар генераллари, фахрийлари минбардан жой олдилар.

Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов йиғилишни очиқ деб эълон қилди. Мустақил давлатимиз мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири генерал-лейтенант Рустам Аҳмедов мамлакат Қуролли Кучлари ташкил топган куннинг уч йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Республика Президенти Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади. Юртбошимиз мамлакат Қуролли Кучлари шахсий таркибини — курсант, аскар, зобит ва генералларни, уруш фахрийларини Ватан ҳимоячилари куни байрами билан самимий қутлади.

— Бугун юртимизда жуда катта байрам — Ватан ҳимоячилари куни нишонланмоқда, — деди Ислом Каримов. — Бу сана ғоят муҳим ва шарафлидир. Халқимиз илгаридан мард ўғлонларни тарбиялашга аҳамият берган ва уларни доимо эъзозлаган. Ўз ҳимоячиларига ишонган ва уларга ҳурмат-эътибор билан қараган. Сиз — ҳарбийлар мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдасиз. Озод Ўзбекистон ва унинг меҳнаткаш халқи Қуролли Кучларимиз салоҳиятига ишонади ва таянади. Юрт тинчлиги ва тотувлиги — энг катта давлат. Мамлакатимиз тинч бўлсин, бахт ва сиҳат-саломатлик доимо сизларга ёр бўлишини тилайман!





**СУРАТДА: тантанали йиғилиш пайти.** **Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзА).**

Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ёш авлодга таълим бериш, уларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этгани учун ҳамда республика Қуролли Кучларининг уч йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги тизими хизматчи ва ходимларидан бир гуруҳи мамлакатимизнинг юксак мукофотлари — «Дўстлик» ва «Соғлом авлод учун» орденлари, «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари, Фахрий унвонлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Ислом Каримов ана шу мукофотларни тантанали равишда топширди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан республика Қуролли Кучлари зенит-ракета қисми командири Рустам Толипов ўзларининг камтарин хизматларига берилган юқори баҳо учун Президент Ислом Каримовга чексиз миннатдорчилик билдирар экан, улар она Ватанимизга, унинг Президентига ҳамиша содиқ қолажакларини изҳор этди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Йиғилиш санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ШАХСИЙ ТАРКИБИГА

Қадрли дўстлар! Сизларни қутлуғ байрам — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан самимий табриклайман.

Ўлкамизда қадим замонлардан буён ёшу қари — ҳар бир эркак ўзини юрт ҳимоячиси деб билган, Ватан шон-шавкати ва мудофааси йўлида куч-ғайрати, ҳатто жонини ҳам аямаган. Она диёримизда бу анъана ҳозир ҳам изчил давом этмоқда, янгича руҳ ва мазмун билан бойиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакат истиқлолини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг осуда ҳаёти ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилишда, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ғоят муҳим ўрин тутади.

Сизларнинг қатъият ва шижоатингиз, ҳарбий маҳоратингиз туфайли хонадонимиз, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, кўнгиллар хотиржам. Сизлар давлатимизнинг тинчликсевар сиёсатини амалга оширишда алоҳида жонбозлик кўрсатаяпсизлар.

Бу йил фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги кенг нишонланади. Сиз — ҳарбийлар ўша суронли жангтоҳларда жон олиб-жон берган ота-боболаримизнинг ворислари бўласизлар. Ишонаманки, мард ва жасур аждодларимизнинг ўгитларига, тажрибаларига таяниб, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасизлар.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркибини, уруш фахрийларини, ўзини Ватан ҳимоячиси деб билган барча юртдошларимизни байрам билан яна бир бор муборакбод этаман, Ватанимиз ҳимоячиларига тан-сиҳатлик, шарафли ва масъулиятли ишларида омадлар тилайман.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом КАРИМОВ.**

## ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНИ

14 январь куни мустақил Ўзбекистон халқи ўзининг шонли байрамларидан бири — Ватан ҳимоячилари кунини нишонлайди. Мана шу муҳим сана арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири республика мудофаа вазири, генерал-лейтенант Р. АҲМЕДОВ билан учрашиб, бир неча саволга жавоб беришни илтимос қилди.



**— Рустам Ўрмонович, республикамиз Қуролли кучлари бу кунни ҳақли равишда ўзининг энг муҳим байрамларидан бири деб ҳисоблайди. Аскар ва сержантлар, прапоршчиклар, зобитлар ва генераллар учун бу байрамнинг аҳамияти қандай?**

— Бу байрамнинг таъсис этилиши — Қуролли кучларимиз жамиятдаги тинчлик ва осойишталикнинг, Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигининг посбони сифатида мамлакатимиз ҳаётида тутган муҳим ўрнининг эътироф этилишидир.

Ватанимиз ҳақиқий давлатчилик ва мустақилликка эришгани, халқимизнинг эркка бўлган азалий интилиши, унинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш учун кураши туфайли ана шундай байрам қилиш шарафига муяссар бўлиб турибмиз. Яқинда таъсис этилган бўлишига қарамай, Ватан ҳимоячилари куни чуқур тарихий илдизларга эга. Душманга бўйсунмаган қадимий Суғдиёна ва Бақтрия, Мароқанд ва Хоразм даврларидан бери халқимиз ўз ҳимоячиларини иззат-икром қилиб келади.

Ўзбекистонлик жангчилар фашизмга қарши кураш йилларида ҳам катта шуҳрат қозондилар. Генерал Собир Раҳимов, жасур батальон командири, гвардиячи майор Аҳмаджон Курбонов, пулемёт оғзини кўкси билан тўсган сержант Кудрат Суюнов сингари минглаб ўзбекистонлик жангчилар жасорати бугунги кунда ҳам бизга ҳарбий бурчни адо этиш намунаси бўлиб хизмат қилади.

**— Ватанимиз Қуролли кучлари ҳали анча ёш. Ўтган уч йил ичида улар олдига қўйилган мақсад ва вазифаларда қандай ўзгаришлар юз берди?**

— Давлат мустақиллигининг асосий белгиларидан бири бўлган Қуролли кучларимиз ташкил топганидан бери ўтган уч йил — тарих мезони билан ўлчайдиган бўлсак, лаҳза ҳисобланади. Бироқ, хаёлан бироз ортга қайтиб, Қуролли кучларимиз ташкил этилган дастлабки кунларни, ўша пайтда Олий бош қўмондон — Президентимиз, парламент, ҳукумат ҳамда эндигина ташкил этилган Мудофаа вазирлиги қандай мураккаб вазифаларни ҳал этганини тасаввур қилган одам, бошқа давлатларда бу муаммоларни ҳал қилиш учун ўнлаб йиллар кетар эди, деган хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 3 июлда қабул қилган «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлар ҳарбий сиёсатни, ҳарбий қурилишнинг асосий йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси Қуролли кучларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлади.

Қуролли кучлар бугунги кунда аниқ ташкилий тузилма ва бошқарувга эга. Қуролли кучларимиз қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-ҳаво кучлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, махсус қўшинлар ва Миллий гвардиядан иборат. Қуролли қўшинлар устидан олий раҳбарликни Президент — Олий бош қўмондон олиб боради. Кунлик вазифаларни эса, Мудофаа вазирлиги амалга оширади.

Ўтган уч йил мобайнида ёш мустақил давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун асосли пойдевор қўйилди. Қуролли кучларни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи қилиб белгиланган 1993-1994 йилларнинг ўзидаёқ Қуролли кучларимиз штатлар тузилмаси такомиллаштирилиб, талаб дара-

**(Давоми 3-бетда).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### ЎЗБЕКИСТОН МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ, ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИ ХИЗМАТЧИ ВА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ёш авлодга таълим бериш, уларни ватанпарварлик, дўстлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этгани учун ҳамда республика Қуролли Кучларининг 3 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан қуйидагилар мукофотлансин:

«ДУСТЛИК» ОРДЕНИ

ГЕРМАН Сергей Владимирович — ҳарбий қисм командири

ИНОЯТОВ Рустам Расулевич — Миллий хавфсизлик хизмати раисининг биринчи ўринбосари

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ

МЕЛИБОЕВ Анваржон — Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ

АЛИМОВ Раҳимжон Ҳакимович — Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари батальон командири

БУХТЕЕВ Валентин Александрович — ички қўшинлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

ЖЎРАЕВ Шокир Зарипович — ҳарбий қисм командири

ИБРАГИМОВ Илҳом Исмоилович — чегара қўшинлари ҳарбий қисми командири

**(Давоми 2-бетда).**

Н 70195
УзССР Давлат китоб палатаси
Бнк.
Гос. книжная палата УзССР

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

14 январь, шанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 11 (1013)

## ЎЗБЕКИСТОН — ПОЛЬША: ҲАМКОРЛИК МАСОФА БИЛМАЙДИ



СУРАТДА: икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими. А. ИЛЁСОВ олган сурат (ЎзА).

Илгари хабар қилинганидек, 11-12 январь кунлари Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси расмий ташриф билан Польша Республикасида бўлди. Ташрифдан мақсад икки давлат ўртасида шаклланиб бораётган сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уни ривожлантириш, янги босқичга кўтариш эди.

Польша Республикаси Президенти саройида Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовни кутиб олиш маросими бўлди. Икки давлат байроқлари билан безатилган сарой майдонида юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Польша давлат мадҳиялари янгради. Президент Лех Валенса Ислом Каримовни Польша заминига ташриф буюргани билан қизғин қутлади.

Шундан сўнг Президентлар муҳташам саройнинг мовий залига йўл олдилар. Бу ерда Ислом Каримов билан Лех Валенса ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳозир қай даражада?

Маълумки, республикамиз иттифоқ таркибида бўлган даврда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш имкониятига эга эмас эди. Тўғрироғи, бизда етиштирилган пахта, пилла, қоракўл каби маҳсулотлар, ер ости бойликлари бошқа мамлакатларга, шу жумладан Польшага ҳам собиқ марказ номидан етказиб бериларди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўнлаб хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳозир республикада чет эл сармояси иштирокидаги 1500 та корхона фаолият кўрсатаётир. 1994 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо обороти 3 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бу ёш мустақил давлат учун катта кўрсаткич. Хорижий фирма ва компанияларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазият барқарор бўлган Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Шу маънода, Польша Республикаси билан ҳамкорлигимиз натижалари ҳозирча камтаронадир. Чунончи, ўтган йили икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми 80 миллион доллар бўлгани, атиги 8 та қўшма корхона барпо этилгани бу борада фойдаланилмаётган имкониятлар кўплигидан далолат беради. Ўзбекистон ва Польша давлат раҳбарлари бошчилигидаги расмий делегацияларнинг Варшавада ўтказилган музокараларида ана шу имкониятларни ишга солиш, мамлакатларимиз иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Музокаралар сўнгида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Президентлар — Ислом Каримов ва Лех Валенса Ўзбекистон ва Польша Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилувчи бир неча ҳужжат қабул қилинди. Улар орасида консуллик конвенцияси, фойдадан икки ёқлама солиқ олмаслик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, маданий ва илмий ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат пойтахтлари орасида самолётлар қатновини йўлга қўйиш тўғрисидаги битимлар бор.

— Бугунги музокараларда муҳокама этилган масалалар ва қабул қилинган ҳужжатлар икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилади, — деди Лех Валенса журналистлар билан учрашувда. — Биз уларнинг амалга оширилиши учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланамиз. Ҳақиқатан, ҳам, Ўзбекистон табиий заҳираларга бой, улкан иқтисодий имкониятлар мамлакатидир. Биз бу мамлакат билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз.

— Биз Польша тимсолида жиддий, қатъиятли ҳамкорни кўряпмиз, — деди Ислом Каримов — Ҳозиргина имзоланган ҳужжатлар муносабатларимизнинг ҳуқуқий асосини белгилаб беради, ўзаро ишончли ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлайди. Бугунги бизга бўлган самимий муносабатни, хайриҳоҳликни кўриб дўстлигимиз, ҳамкорлигимиз яхши самара беришига қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Учрашув ниҳоясида икки давлат раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Польша Иккинчи жаҳон урушида энг кўп жабр чеккан мамлакатлардан биридир. Европанинг энг гўзал шаҳарларидан бири — Варшава уруш туфайли вайронага айланди. Фашизмга қарши курашда минг-минглаб польшаликлар қурбон бўлди. Шунинг учун ҳам бу ерда тинчлик, осойишталикни биздагидек қадрлашади. Уруш сабоғини ҳар қадамда ҳис этишади.

Президент Ислом Каримов пойтахтдаги Номаълум аскар қабрини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди. Уруш қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов Польша парламентига ташриф буюрди. Мамлакат олий вакиллик органи фаолияти билан танишди. Польша парламенти икки палатали бўлиб, Сейм ва Сенатдан иборат. Сеймга — 460, Сенатга эса — 100 нафар депутат сайланади. Сейм маршали Ю. Олекси, Сенат маршали А. Струзик билан суҳбатлар чоғида давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда миллий давлатчиликни тиклаш, демократия тамойилларини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, яқинда парламентга илк бор кўппартиялик асосида ўтган сайлов ва унинг натижалари хусусида гапириб берди. Учрашувларда парламентлараро алоқаларни йўлга қўйиш зарурлиги, бу халқларимизни бири-бирига яқинлаштиришда, ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ислом Каримов ўзига ажратилган қароргоҳда Польша Бош вазири Валадемар Павляк билан учрашди. Суҳбат чоғида савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Шундан сўнг меҳмонлар Варшаванинг диққатга сазовор масканларидан бири — тарихий ёдгорликлар мажмуи жойлашган Барбакан майдонини кўздан кечирдилар. Ислом Каримов XV—XVIII асрлар мобайнида бунёд этилган қирол қалъасининг осори атиқалари билан танишди. Ўзбекистон раҳбари қалъа фахрий меҳмонлари китобига имзо чекди. Шуниси диққатга сазоворки, Иккинчи жаҳон урушида вайрон этилган мазкур салобатли тарихий ёдгорлик урушдан сўнг асосан жамоатчиликнинг ташаббуси, ёрдами ва меҳнати билан асл ҳолига келтирилган. Бу ҳам поляк халқининг ўз тарихига, миллий қадриятларига нечоғли ҳурмат билан муносабатда бўлишини намоён этади.

Ташриф мобайнидаги деярли барча учрашувларда асосий мавзу —ислоҳотларнинг моҳияти, уни амалга ошириш йўллари хусусида бўлгани аҳамиятлидир.

Польшада иқтисодий ислоҳот — бозор муносабатларига ўтиш биздан бирмунча илгари бошланган бўлиб, «фалаж қилиб даволаш» назарияси ҳам шу ерда амалга оширилган. Ҳозирга келиб мамлакат иқтисодиёти бир қадар барқарорлашди. Ишлаб чиқариш ҳажми пасайиши тўхтатилди. Кейинги 1-2 йил мобайнида Польша иқтисодиётида барқарор ўсиш кузатилмоқда. Лекин ислоҳотларни амалга оширишда кескин чоралар кўрилиши турмуш даражасининг пасайиб кетишига сабаб бўлдики, бу ҳукуматнинг ислоҳотлар сиёсатига бир қанча «тузатишлар» киритишга мажбур этди. Бу ҳол мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишига эътибор берилаётгани катта аҳамиятга эга эканини тасдиқлайди.

Айни пайтда Польшада хусусий фирма ва корхоналар ўзини анча тутиб олган, улар ялпи миллий маҳсулотнинг ярмидан кўпини ишлаб чиқармоқда. Бу ўринда Польша илгаридан мустақил давлат бўлганини, «режали иқтисодиёт» бу ерда биздагидек чуқур илдиз отмаганини, хусусий мулк социализм даврида ҳам сақланиб қолганини эътибордан соқит қилмаслик керак.

Ҳозирга келиб ана шу хусусий корхоналар, фирмалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ўзига шерик изламоқда. Варшавада ташкил этилган «Шарқ клуби» ана шундай ишбилармонларни бирлаштирган. Клуб асосий эътиборни ҳамдўстлик мамлакатлари билан фойдали ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга қаратмоқда.

Президент Ислом Каримов «Будимекс» компанияси қароргоҳида ана шу клуб аъзолари — Польша ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари уларга Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган муҳим ўрни, давлат тизими, иқтисодий салоҳияти тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Бизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти, ўзига хос жиҳатлари, хусусан, уларни амалга оширишдаги дастуриамал — машҳур беш тамойил ҳақида теран тушунча берди.

— Ўзбекистон, аввало, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан барқарор мамлакат, — деди жумладан Ислом Каримов. — Бундан ташқари бизда бозор муносабатларига ўтиш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг барча ҳуқуқий асослари яратилган, уни рағбатлантириш кўзда тутилган. Хусусан, чет эл сармояси иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналардан беш йил мобайнида солиқ олинмайди. Хомашёни қайта ишлаш, хусусан, енгил саноат, тўқимачилик, машинасозлик, тоғ-кон саноати, транспорт, алоқа тармоқлари соҳаларида сизлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларига эгамиз.

Шуни таъкидлаш керакки, учрашув польшалик тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотди. Улар республикамиз раҳбарининг тўғри, очиқчасига айтган гапларини ғоят самимий қабул қилдилар. Ҳамкорлик тўғрисидаги 20 дан ортиқ таклифларни жамлаб, Ислом Каримовга тақдим этдилар.

Хуллас, Президент Ислом Каримовнинг Польша Республикасига расмий ташрифи самарали бўлди. Польшаликлар Ўзбекистон аталмиш ҳуқуқий демократик жамият қураётган, имкониятларга бой, холис ниятли мустақил давлатни қайтадан кашф этдилар.

Польша Республикаси раҳбари Лех Валенса Президент саройи майдонида Президент Ислом Каримовни расмий кузатиш маросими уюштирди.

Польша Республикасига расмий сафарида Президент Ислом Каримовга Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, С. Саидқосимов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

***

12 январь куни Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Республика Президентини Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

**Аҳмад ХЎЖА.**
**(ЎзА).**
**Тошкент-Варшава-Тошкент.**

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ БАЙРАМИ




СУРАТДА: тантанали йиғилиш пайти. Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзА).

Пойтахтнинг ҳашаматли «Туркистон» саройи 13 январь куни ҳар кунгидан гавжум бўлди. Халқимизнинг қутлуғ байрамларидан бири — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилиш муносабати билан саройга республика Қуролли Кучлари офицерлари, аскар ва курсантлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари, хорижлик меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — мамлакат Қуролли Кучлари бош қўмондони Ислом Каримов ва ҳукумат раҳбарлари, Қуролли Кучлар генераллари, фахрийлари минбардан жой олдилар.

Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов йиғилишни очиқ деб эълон қилди. Мустақил давлатимиз мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири генерал-лейтенант Рустам Аҳмедов мамлакат Қуролли Кучлари ташкил топган куннинг уч йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Республика Президенти Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади. Юртбошимиз мамлакат Қуролли Кучлари шахсий таркибини — курсант, аскар, зобит ва генералларни, уруш фахрийларини Ватан ҳимоячилари куни байрами билан самимий қутлади.

— Бугун юртимизда жуда катта байрам — Ватан ҳимоячилари куни нишонланмоқда, — деди Ислом Каримов. — Бу сана ғоят муҳим ва шарафлидир. Халқимиз илгаридан мард ўғлонларни тарбиялашга аҳамият берган ва уларни доимо эъзозлаган. Ўз ҳимоячиларига ишонган ва уларга ҳурмат-эътибор билан қараган. Сиз — ҳарбийлар мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдасиз. Озод Ўзбекистон ва унинг меҳнаткаш халқи Қуролли Кучларимиз салоҳиятига ишонади ва таянади. Юрт тинчлиги ва тотувлиги — энг катта давлат. Мамлакатимиз тинч бўлсин, бахт ва сиҳат-саломатлик доимо сизларга ёр бўлишини тилайман!

Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ёш авлодга таълим бериш, уларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этгани учун ҳамда республика Қуролли Кучларининг уч йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги тизими хизматчи ва ходимларидан бир гуруҳи мамлакатимизнинг юксак мукофотлари — «Дўстлик» ва «Соғлом авлод учун» орденлари, «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари, Фахрий унвонлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Ислом Каримов ана шу мукофотларни тантанали равишда топширди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан республика Қуролли Кучлари зенит-ракета қисми командири Рустам Толипов ўзларининг камтарин хизматларига берилган юқори баҳо учун Президент Ислом Каримовга чексиз миннатдорчилик билдирар экан, улар она Ватанимизга, унинг Президентига ҳамиша содиқ қолажакларини изҳор этди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Йиғилиш санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ШАХСИЙ ТАРКИБИГА

Қадрли дўстлар! Сизларни қутлуғ байрам — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан самимий табриклайман.

Ўлкамизда қадим замонлардан буён ёшу қари — ҳар бир эркак ўзини юрт ҳимоячиси деб билган, Ватан шон-шавкати ва мудофааси йўлида куч-ғайрати, ҳатто жонини ҳам аямаган. Она диёримизда бу анъана ҳозир ҳам изчил давом этмоқда, янгича руҳ ва мазмун билан бойиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакат истиқлолини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг осуда ҳаёти ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилишда, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ғоят муҳим ўрин тутади.

Сизларнинг қатъият ва шижоатингиз, ҳарбий маҳоратингиз туфайли хонадонимиз, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, кўнгиллар хотиржам. Сизлар давлатимизнинг тинчликсевар сиёсатини амалга оширишда алоҳида жонбозлик кўрсатаяпсизлар.

Бу йил фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги кенг нишонланади. Сиз — ҳарбийлар ўша суронли жангтоҳларда жон олиб-жон берган ота-боболаримизнинг ворислари бўласизлар. Ишонаманки, мард ва жасур аждодларимизнинг ўгитларига, тажрибаларига таяниб, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасизлар.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркибини, уруш фахрийларини, ўзини Ватан ҳимоячиси деб билган барча юртдошларимизни байрам билан яна бир бор муборакбод этаман, Ватанимиз ҳимоячиларига тан-сиҳатлик, шарафли ва масъулиятли ишларида омадлар тилайман.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом КАРИМОВ.**

## ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНИ

14 январь куни мустақил Ўзбекистон халқи ўзининг шонли байрамларидан бири — Ватан ҳимоячилари кунини нишонлайди. Мана шу муҳим сана арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири республика мудофаа вазири, генерал-лейтенант Р. АҲМЕДОВ билан учрашиб, бир неча саволга жавоб беришни илтимос қилди.



**— Рустам Ўрмонович, республикамиз Қуролли кучлари бу кунни ҳақли равишда ўзининг энг муҳим байрамларидан бири деб ҳисоблайди. Аскар ва сержантлар, прапоршчиклар, зобитлар ва генераллар учун бу байрамнинг аҳамияти қандай?**

— Бу байрамнинг таъсис этилиши — Қуролли кучларимиз жамиятдаги тинчлик ва осойишталикнинг, Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигининг посбони сифатида мамлакатимиз ҳаётида тутган муҳим ўрнининг эътироф этилишидир.

Ватанимиз ҳақиқий давлатчилик ва мустақилликка эришгани, халқимизнинг эркка бўлган азалий интилиши, унинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш учун кураши туфайли ана шундай байрам қилиш шарафига муяссар бўлиб турибмиз. Яқинда таъсис этилган бўлишига қарамай, Ватан ҳимоячилари куни чуқур тарихий илдизларга эга. Душманга бўйсунмаган қадимий Сўғдиёна ва Бақтрия, Мароқанд ва Хоразм даврларидан бери халқимиз ўз ҳимоячиларини иззат-икром қилиб келади.

Ўзбекистонлик жангчилар фашизмга қарши кураш йилларида ҳам катта шуҳрат қозондилар. Генерал Собир Раҳимов, жасур батальон командири, гвардиячи майор Аҳмаджон Қурбонов, пулемёт оғзини кўкси билан тўсган сержант Қудрат Суюнов сингари минглаб ўзбекистонлик жангчилар жасорати бугунги кунда ҳам бизга ҳарбий бурчни адо этиш намунаси бўлиб хизмат қилади.

**— Ватанимиз Қуролли кучлари ҳали анча ёш. Ўтган уч йил ичида улар олдига қўйилган мақсад ва вазифаларда қандай ўзгаришлар юз берди?**

— Давлат мустақиллигининг асосий белгиларидан бири бўлган Қуролли кучларимиз ташкил топганидан бери ўтган уч йил — тарих мезони билан ўлчайдиган бўлсак, лаҳза ҳисобланади. Бироқ, хаёлан бироз ортга қайтиб, Қуролли кучларимиз ташкил этилган дастлабки кунларни, ўша пайтда Олий бош қўмондон — Президентимиз, парламент, ҳукумат ҳамда эндигина ташкил этилган Мудофаа вазирлиги қандай мураккаб вазифаларни ҳал этганини тасаввур қилган одам, бошқа давлатларда бу муаммоларни ҳал қилиш учун ўнлаб йиллар кетар эди, деган хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 3 июлда қабул қилган «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлар ҳарбий сиёсатни, ҳарбий қурилишнинг асосий йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси Қуролли кучларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлади.

Қуролли кучлар бугунги кунда аниқ ташкилий тузилма ва бошқарувга эга. Қуролли кучларимиз қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-ҳаво кучлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, махсус қўшинлар ва Миллий гвардиядан иборат. Қуролли қўшинлар устидан олий раҳбарликни Президент — Олий бош қўмондон олиб боради. Кунлик вазифаларни эса, Мудофаа вазирлиги амалга оширади.

Ўтган уч йил мобайнида ёш мустақил давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун асосли пойдевор қўйилди. Қуролли кучларни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи қилиб белгиланган 1993-1994 йилларнинг ўзидаёқ Қуролли кучларимиз штатлар тузилмаси такомиллаштирилиб, талаб дара-

(Давоми 3-бетда).

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### ЎЗБЕКИСТОН МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ, ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИ ХИЗМАТЧИ ВА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ёш авлодга таълим бериш, уларни ватанпарварлик, дўстлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этгани учун ҳамда республика Қуролли Кучларининг 3 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ

ГЕРМАН Сергей Владимирович — ҳарбий қисм командири

ИНОЯТОВ Рустам Расулевич — Миллий хавфсизлик хизмати раисининг биринчи ўринбосари

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ

МЕЛИБОЕВ Анваржон — Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ

АЛИМОВ Раҳимжон Ҳакимович — Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари батальон командири

БУХТЕЕВ Валентин Александрович — ички қўшинлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

ЖЎРАЕВ Шокир Зарипович — ҳарбий қисм командири

ИБРАГИМОВ Илҳом Исмоилович — чегара қўшинлари ҳарбий қисми командири

(Давоми 2-бетда).

